

Хошимов П.З.ЎзМУ Иқтисодиёт факультети
илмий ишлар бўйича декан муовини,
и.ф.н., доцент.**Абдуллаева Ш.Е.** ТДШИ тадқиқотчиси

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Тадқиқотчи олимларнинг фикрича “ижтимоий ҳимоя” тушунчаси асосан XX аср бошларида муомилага кириб келган. Ўзбекистон халқи минг йилликлар давомида ижтимоий соҳа борасида маълум тажриба тўплаган. Аммо бу тарихий тажрибанинг кўп жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган. Хатто бу борада илмий адабиётларда ҳам манбалар кам учрайди. Ушбу буюк меъросни изчил ўрганиб бориб, барча халқларда умуминсоний қадриятлар мавжудлигини, шу жумладан ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги замон иқтисодиёт фанида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш номини олган жабҳасида ҳам мавжуд бўлган муайян маълумотларни яққолроқ тасаввур этиш мумкин.

Бугунги ижтимоий муносабатларга доир масалаларга мурожаат қилинганда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳар сафар “бизнинг халқимиз учун муқаддас бўлган қадриятларимиздан келиб чиқиб, улкан тарихий меъросга таянган ҳолда умум эътироф этилган демографик таъминотлар ва меъёрларга риоя қилиб”¹ ёндашиш лозим.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим вазифалардан биридир. Ижтимоий ҳимоя тизими ҳозирги иқтисодий ислохатлар даврида жамиятнинг ҳал этилиши зарур бўлган ижтимоий муаммоларини ўзида мужассамлаштирган категория сифатида амал қилмоқда.

Иқтисодий адабиётларда “ижтимоий ҳимоялаш” иборасига турлича ёндашишларни кўришимиз мумкин. Айниқса бун-

дай ҳолни биз рус иқтисодчи олимлари келтирган фикрларида кузатамиз.

XIX аср охири ва XX аср бошларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришнинг биринчи босқичи амалга оширилди. Бу босқичда Европа мамлакатларида ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бир қатор қонунлар ишлаб чиқилди. Уларда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш мақсадида ижтимоий суғурталаш масалалари кўрилди. XX асрнинг 30-йилларида Европа мамлакатларида иқтисодий инқироз юз берди. Натижада аҳоли ўртасида ишсизлар сони ошди, аҳоли даромадлари пасайиб, турмуш шароити ёмонлашди. Бундай муаммоларни ҳал этиш мақсадида Европа мамлакатлари ва АҚШда аҳоли турмуш шароитини ўрганувчи мактаблар яратилди.

30-40 йилларда АҚШда “аҳолишунос олимлар мактаби”нинг намоёндалари Э.Мейо, Ф.Ретлисберг, М.Фоллет ва бошқалар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича аҳоли ўртасида

1 Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Биринчи қақариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис XIV сессиясидаги нутқ. 14 апрель 1999 й. Т. Ўзбекистон, 1999 –Б. 141

тадқиқот ишлари олиб борилди. Уларнинг фикрича, саноатда технологияларни инсонлар бошқаради, шу сабабли саноатга янги технологияларни олиб кириш ишчилар меҳнاتини енгиллаштиради. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қатор мамлакатларда ижтимоий таъминотнинг ягона тизими шаклланди. Эндиликда аҳолининг фақат фаол қисми эмас, балки барча аҳоли қатлами ҳақида қайғуриш, уларни ижтимоий таъминлаш, ҳамда беморларга текин тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари яратилди. Ривожланган мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида давлатнинг ўрни ошиб борди. Ишлаб чиқарувчи ва ишчилар ўртасидаги муносабатларни бошқариш ва назорат этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш борасида давлат кучли ижтимоий сиёсат олиб борди.

Турли давлатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ ҳолда амал қилади. Мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали тизими ҳозирги замон иқтисодиётининг ривожланиш белгисидир десак хато бўлмайди. Иқтисодиёти равнақ топган мамлакатда аҳоли турмуш даражасининг тез суръатларда ўсишини кузатиш мумкин. Ушбу мамлакатда ҳар бир киши ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар жамиятда ўз ўрнини топади, унинг меҳнат қобилятидан тўла-тўқис фойдаланилади, ҳамда унинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тушунчаси кўплаб адабиётларда келтирилган бўлиб, уларда асосан давлатнинг ижтимоий сиёсати тушунилади.

Кўплаб олимларнинг фикрича, кенг умумсоциологик маънодаги ижтимоий ҳимоя концепцияси биринчи бор 1935 йилда АҚШнинг "Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонун"ида қўлланилган. Ушбу қонунда қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳақида таклифлар келтирилган. Аммо аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тушунчаси унда тўлалигича ёритилмаган ва ушбу муаммони ҳал этувчи тавсиялар

ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи адабиётларда "ижтимоий ҳимоялаш" ибораси, биринчи марта, Россиялик олим П.И.Новгородцевнинг асарларида қўлланилган, ҳамда ушбу тушунчага тегишли бўлган муаммолар ечимини ишлаб чиқилган¹.

Кейинчалик "ижтимоий ҳимоя" тушунчасининг мазмуни Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида мукаммаллаштирилган, ҳамда ушбу муаммонинг моҳияти аниқроқ кўрсатилган. Бундан ташқари, ушбу тушунча мамлакатнинг ижтимоий сиёсатида кенг қўлланилиб, у ўз ичига меҳнат соҳаси, аҳоли бандлиги, касб танлаш, ўқитиш, билим олиш, даромадларнинг кафолатланиши, ҳар бир фуқаронинг ўз иқтисодий фаолиятида даромадга эга бўлиши, истеъмолчилар ҳимояси, истеъмолчилар жамиятининг ташкил этилиши, товарлар ва ҳизматлар сифатини ошириш, аҳолига тиббий ҳизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмига пенсиялар, нафақалар, турли хил имтиёзлар беришни қамраб олади. "Ижтимоий ҳимоя" тушунчаси катта ҳажмли бўлиб, кенг тарқалганлиги боис унинг маъно ва моҳиятини тўлиқ очиб бериш мураккабдир. Шунинг учун кўплаб олимларнинг қарашларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммосини ҳал этиш йўллари таҳлил этиш ва бу бўйича ўз ёндашувларимизни баён этиш имконини беради.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий вазифаси ижтимоий қийин аҳволда қолган аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ёки кутилаётган моддий қийинчиликлар ҳақида огоҳлантиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётининг хусусияти шундан иборатки, шахснинг иқтисодий ҳаётда қай тарзда иштирок этиши ҳақида ўзи мустақил қарор қабул қилади. Ҳар бир шахс, аввалом бор, суғурталаш масаласи бўйича ўзи жавоб беради. Агар бу шахс ижтимоий суғурталанмаган бўлса, даромади вақтинчалик кам бўлган тақдирда

1 Новгородцев П.И. "Право на достойное человеческое существование." СПб., 1911, -С. 3-13.

давлат уни ижтимоий ёрдам орқали ҳимоя қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя энг муҳим масалалардан биридир. "Ижтимоий ҳимоя" тушунчаси бугунги кунда жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муаммоларни ўзида акс эттирувчи категория сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар иқтисодий адабиётларида, айниқса, иқтисодчи олимлар мулоҳазаларида, "ижтимоий ҳимоя" атамасининг турлича талқинини учратиш мумкин. Масалан, айрим адабиётларда "аҳолини ижтимоий ҳимоялаш" тушунчасининг мазмуни икки хил, яъни кенг ва тор маънода келтирилади. Кенг маънода, "ижтимоий ҳимоя" деганда мамлакат аҳолисининг ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чоратadbирлар мажмуи тушунилса, тор маънода, давлат ва жамиятнинг аҳолининг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқароларга кўрсатилаётган ғамхўрлиги назарда тутилади. "Ижтимоий ҳимоялаш" тор маънода давлат сиёсатини билдириб, ҳаёт даражасига мос равишда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва ижтимоий кафолатни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий ҳимоялаш концепцияси кенг маънога эга бўлиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга фақатгина давлат жалб қилинмайди, балки жамиятда мавжуд бўлган барча аҳоли қатламлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳам жалб этилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий унсури бўлиб хизмат қилади". Кўриб турганимиздек, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жамиятнинг ҳар бир аъзоси, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ҳам иштирок этади.

Бошқа қатор иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра "...бозор иқтисодиётида ижтимоий ҳимоя жамиятнинг ҳўжалик ва ижтимоий ҳаётини ташкил этишнинг табиий компоненти сифатида намоён бўлади,

унинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари эса меҳнат жараёнининг ва ишчи кучининг такрор ишлаб чиқаришни бетўхтовлигини таъминлашга хизмат қилади"¹. Бу нуқтаи назарга бизнинг айрим эътирозларимиз бор. Хусусан, бундай талқин фақат меҳнатга лаёқатли фуқароларни назарда тутиб, аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз қисмини қамраб олмайди.

Баъзи олимларнинг фикрича, давлатнинг ижтимоий сиёсати амалда асосан икки кўринишда намоён бўлади: ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот. Ижтимоий ҳимоя мустақилликнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва бозор ислохатларини амалга ошириш даврида аҳолини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилиш ва миллий ҳўжаликда амал қиладиган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва хатто, сиёсий чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, хусусан, аҳолининг ёши, саломатлиги, ижтимоий ҳолати ҳамда ҳаёт кечиришнинг зарур воситаларга эга бўлмаганлиги сабабли ёрдамга муҳтож қатламга давлат ва жамоат ташкилотлари ва жамғармаларнинг ёрдами ҳисобланади². Бу ерда биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг батафсилроқ ёритилганлигини кўришимиз мумкин. Бу талқинни янада тўлароқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вужудга келаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун кучли ижтимоий сиёсат юритилиши тақозо этилади. Бундай сиёсатнинг моҳияти шундаки, давлат аниқ ишлаб чиқилган ва бозор муносабатларига ўтишни юмшатадиган, аҳолининг у ёки бу сабабларга кўра даромад ишлаб топиш имкониятига эга бўлмаган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими билан қамраб олишга ҳаракат қилади. Кўриб турганимиздек бу ерда фақат аҳолининг ишсиз ёки меҳнатга лаёқатсиз қисмигина эътиборга олинмоқда.

Бундан келиб чиқиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнида асосий эътибор-

1 Ромашев О.В. Социальная защита трудящихся: проблемы и пути решения. //Социальные исследования. –М.: 2001. №1, –С. 110.

2 Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрназаров Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. –Т.: 2006, –Б.260.

ни унинг касб маҳорати, меҳнат қилиш қобилиятига қаратиш керак. Айниқса, бозор иқтисодига ўтиш шароитида, бозор муносабатлари ўрганилиб, асосий эътиборни меҳнатга лаёқатли ва меҳнат қилиш лаёқатини йўқотган аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш, уларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳволни ривожлантиришга қаратиш керак. Меҳнатга лаёқатсиз ва кам таъминланган аҳоли қатламларига пенсия, нафақалар, стипендиялар бериш ва солиқларни қисқартириш йўли билан уларни ижтимоий ғимоялаш мақсадга мувофиқдир. Бошқа муаллифларнинг фикрича, "ижтимоий ғимоя" деганда давлат томонидан аҳолининг яшаши ва меҳнат қилиши учун қулай шароит яратиш, кам таъминланган ижтимоий қатламларга кўмаклашиш мақсадида аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий кафолатни амалга ошириш жараёни тушунилади. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги деганда мамлакатда аҳоли турмуш шароити даражасини оширишга қаратилган меҳанизмни кўз олдимишга келтиришимиз мумкин. Бунда аҳолини ижтимоий ғимоя қилиш иқтисодий ислохатлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишлардан бирига, яъни ислохатларнинг ҳамма босқичларидаги муҳим вазифага айланди. Мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ғимоя сиёсати олиб борилади. Кучли ижтимоий сиёсат, ўз навбатида, истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойиллардан бири бўлиб ҳисобланади. "Ижтимоий ғимоя" тушунчасининг бундай талқинини тўғри деб қабул қилиш мумкин, бироқ бу тушунчанинг моҳиятини кенгроқ ёритиб беришга ҳаракат қилайлик.

Бу тушунчани ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг яхлитлилик доирасида изоҳлаб, аҳолини ижтимоий ғимоялаш тизими ижтимоий кафолатлар мажмуаси бўлиб у инсонларнинг қонунда ўрнатилган ҳақ-ҳуқуқлари, ҳамда уларнинг амалга ошишини таъминловчи элементларни ўз ичига олади. Профессор

К.Х. Абдурахмоновнинг фикрича аҳолини ижтимоий ғимоя қилиш - давлатнинг аҳолига нормал ҳаёт фаолияти учун берадиган шарт-шароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимидир. Бошқача айтганда, ижтимоий ғимоялаш тизими бозор тизими самарадорлигининг тор тасаввурларидан эмас, балки ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш мақсадидан келиб чиқиб ташкил этилиши керак. Шу билан бирга, ижтимоий ғимоялашнинг ҳар сафар, ўзи амал қилиб турган ишлаб чиқариш муносабатлари тизими томонидан, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати имкониятларидан кенг фойдаланиши ва ҳозирги замон талаблари асосида ривожланиб бориши зарур¹.

Аҳолини ижтимоий ғимоялашни, баъзи олимлар қуйидаги тизимлар орқали тушунтиришга ҳаракат қилганлар:

1. Ижтимоий таъминот тизими.
2. Иш билан таъминлаш тизими.
3. Баъзи фуқаролар учун ижтимоий имтиёзлар яратиш тизими ва бошқалар.

Бундай ёндашув мавжуд муаммоларни ҳал этишда давлатнинг ролини акс эттиради. Давлат аҳолини ижтимоий ғимоя қилиш даражасини қонунчилик ва қонун асосидаги ҳужжатлар орқали бошқаради, тирикчилик қилиш учун зарур минимум даражасини белгилайди ва уни назарда тутиб, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг энг кам миқдорини, ижтимоий тўловларни, суғурта бадаллари ва ижтимоий ёрдамни, имтиёзлар турларини белгилайди, ижтимоий ғимоя соҳасидаги хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Аммо, давлатнинг аҳолини ижтимоий ғимоя қилиш даражасини бошқаришдаги энг таъсирли роли - қўшимча иш жойларини, шу жумладан, ногиронлар учун ҳам иш жойларини ташкил этиш, аҳолига касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака даражасини оширишдаги ёрдамни кўрсатишдан иборатдир.

Иқтисодий адабиётларда бошқа мазмундаги, яъни "ижтимоий ғимоя – бу

1 Абдурахмонов Қ.Ҳ, Тоҳирова Х.Т., Шарипов Б.М. «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» - (маърузалар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2005. –Б. 9.

жамиятдаги иқтисодий самарадорликни ва сиёсий барқарорликни таъминлашга ҳизмат қилувчи алоҳида ўзига хос иқтисодий-сиёсий тизим¹ сифатидаги фикр ҳам мавжуд. Бу талқин тарафдорлари ижтимоий ҳимояни алоҳида тизим сифатида эътироф этадилар, аммо ижтимоий ҳимоянинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб қуйидагича хулосалар қилиш мумкин. “Ижтимоий ҳимоя” назарий жиҳатларининг шаклланиши кўп асрлик тарихга эга. Бу тушунча аста-секин шаклланган ва моҳиятан ривожланиб борган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасига ажратилган инвестициялар ижтимоий ҳимоянинг юқори даражада ўсишига олиб келди. Натижада давлат ва хусусий секторлар учун кент имкониятлар очилди, ҳамда жамиятда аҳоли турмуш даражасини ошириш имкони туғилди. 90-йилларда ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти янги рақобатбардош шароитга, жумладан савдонинг эркинлашуви, давлат ташкилотларининг ҳусусийлаштирилишига мослашиб борди. Мамлакат миллий иқтисодиётида инфляция даражасининг пасайиши, тўлов баланси дефицитининг камайиши, корхона ва ташкилотлар умумий самарадорлигининг ошиши каби кўплаб соҳаларда ижобий натижалар рўй берди. Бироқ шунга қарамасдан, унинг кетидан аҳоли ўртасида ишсизлик даражасининг ўсиши, кам таъминланган оилаларнинг аҳволи ёмонлашуви, рақобатбардош бўлмаган корхоналарнинг таназзулга юз тутиши каби муаммолар келиб чиқди. Шундай қилиб, бозор иқтисодиётининг тизимининг ижтимоийлашуви, ҳамда ижтимоий муҳофаза тизимидан аҳолини ижтимоий кафолатлаш ва ижтимоий таъминот тизимига ўтиш мамлакатлар иқтисодий ривожланишнинг тарихий эволюцияси натижаси деб тан олинди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг мавжудлиги ва ижтимоий ҳимоя тизимининг такомиллашуви инсон тараққиёти концепци-

ясининг шаклланишига сабаб бўлди. “Ижтимоий ҳимоя”нинг концепция сифатида юзага келиши XX аср ўрталарига бориб тақалади. Бу концепцияда инсонларнинг меҳнат даромадларининг пасайиши ва улардан маҳрум бўлишдан ҳимояловчи чора-тадбирлар устувор аҳамият касб этади.

Юқоридагиларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда бу тушунчанинг моҳиятини ёритишга қаратилган ўз ёндашувимизни келтирамиз.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий ҳимоя – давлат томонидан ҳаёт кечирish ва меҳнат қилиш, кам таъминланган қатламларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитларни яратишга қаратилган мақсадли кафолатларни амалга ошириш жараёнидир.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши иқтисодиётни қайта қуриш, уни эркинлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш имконини беради. Аниқ мақсадга йўналтирилган, кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бозор ислохотлари ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий сиёсат бу давлатнинг аҳоли турмуш даражасини ошириш учун унинг барча гуруҳларига берган кафолатлари ва айрим муҳтож табақаларга бериладиган имтиёз ва моддий ёрдамлари мажмуидан иборат бўлиб, аҳоли фаровонлигини ошириш давлатнинг зиммасидан аста-секин тадбиркорлар гуруҳларига, нодавлат–нотижорат ташкилотлари ва айрим кўнгилли фуқароларга ўтиши мақсадга мувофиқдир.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси, ижтимоий барқарорликни сақлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ҳамда макроиқтисодий сиёсатнинг солиқ ва давлат харажатлари ёрдамида ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилади.

1 Ржаницина Л.С. Оценка состояния социальной защиты личных доходов населения. В академическом сборнике: Экономические аспекты социальной политики. М., 1991.-С. 7.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда". Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис XIV сессиясидаги нутқ. 14 апрель 1999 й. Т. Ўзбекистон, 1999.
2. И.А.Каримов . Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 13 ноябрь
3. Новгородцев П.И. "Правонадостойное человеческое существование." СПб., 1911
4. Хашимов П.З. Экономика социальной сферы Т.: "Университет" 2002
5. Ромашев О.В. Социальная защита трудящихся: проблемы и пути решения. //Социальные исследования. –М.: 2001. №1
6. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрназаров Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. -Т.: 2006
7. Зобиходжаев Р.Н. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. № 4 -5 2001
8. Ржаницина Л.С. Оценка состояния социальной защиты личных доходов населения. В академическом сборнике: Экономические аспекты социальной политики. М., 1991.
9. Лепехов М.И. Право и социальная защита населения в России. –М., Былина, 2000.
- 10.Одегов Ю.Г. Рынок труда и социальная партнерство. М.Хронограф 1998.
- 11.Епанешникова Е. К., Федоров В.К. Проблемы изучения и разработки человеческого фактора в инновационных процессах // Инновации. 2008.,№3.
- 12.Российский работник: образование, профессия, квалификация / Под ред. В.Е. Гимпельсона и Р.И. Капелюшникова. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2011.
- 13.<http://infocom.uz/2009/11/30/otsenka-kompyuternoy-gramotnosti-naseleniya-realnost-ili-neobhodimost/>
- 14.<http://www.uzinform.com/ru/pr/09792.html>